



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 29 март № 13 (190)

Сотувда нархи эркин



Коммутатор цехининг автоматлаштириш бўйича муҳандиси Людмила Михайловна Петрушинец узок йиллардан буён янги техника ва технологияни жорий этиш ишлари билан шуғулланиб келмоқда.

Суратда: Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг муҳандиси Л. М. ПЕТРУШИНЕЦ.  
Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

\* Янгилıklar \* Хабарлар  
\* Воқеалар

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 март куни Франция Республикаси ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Бертран Дюфурк бошчилигидаги делегация аъзоларини, 26 март куни эса Буюк Британия «Лонро» компанияси президенти ва бош ижрочи директори Дитер Бокни қабул қилди.

\* 26 март куни Ташқи ишлар вазирлиги қабуллари уйда Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жараёни ривожига муносабати мавзуда брифинг бўлиб ўтди.

\* Республика Биржа марказида Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатаси раҳбариятини сайлашга бағишланган таъсис конференцияси бўлди.

\* Мустақил Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. 25 март куни Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги «ЎздЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида «Дамас» микроавтобуслари ишлаб чиқаришга мўлжалланган линия ишга тушди.

\* Зарафшон шаҳри табиий газдан баҳраманд бўлди. Бунинг учун Газли-Чимкент трассасидан юз километрдан кўпроқ масофага газ қувурлари тортилди.

\* Ўзбекистон Миллий олимпиада кўмитасида Олимпиада ўйинларининг 100 йиллигига бағишланган кенгаш ўтказилди.

\* Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижроия котиби Иван Коротченя Ҳамдўстлик давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви аввал белгилаб қўйилган мuddат — 17 майда ўтказилишини айтди.

\* Россия Бош вазири Виктор Черномырдин мамлакатда 16 июнга мўлжалланган Президент сайловларини беқор қилиш асло мумкин эмас, деб баёнот берди.

\* Россия Президенти Борис Ельцин Норвегияга расмий ташриф буюрди.

\* Покистон халқи миллий байрам — Покистон кунини кенг нишонлади.

\* Суданда бўлиб ўтган Президент сайловларида яна генерал Омал Ал Башир давлат раҳбари этиб сайланди.

\* АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер 1996 йил охирида НАТОга Марказий ва Шарқий Европанинг мамлакатлари аъзо қилиб қабул қилиниши мумкинлигини айтди.

«Наврўз» байрамида Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиоллаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоа аъзолари, шу ерда ишлаб нафақага чиққан меҳнат фахрийлари ҳамда кўп болали онахон-

## НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИ ЁЗИЛДИ

ларга атаб байрам дастурхони ёзилди. Байрам қатнашчиларини бирлашма бошлиғининг муовини Рихсвой Аминжонов Наврўз айёми билан кизгин қутлади. Кўп болали онахонлардан Александра Бисеркина, Зумрад Абдуллаева, Надежда Войзисовага, шунингдек нафақачи ва ногиронларга моддий ёрдам берилди.

Корхона касабга уюшмасининг раиси Вера Егорова ҳамда ахборот ва маркетинг хизмати бошлиғи Доно Хусанова ногирон кексаларнинг уйларига бориб, уларга байрам совгалари топширишди.

Солиҳ ЗОИР

Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси Ўзбекистонда фаол ва обрўли ҳамкор сифатида ном қозонган. Унинг иштирокида Фарғонада қурилган 50 минг рақамли АТС муваффақиятли ишлаб турибди. Сирдарё вилоятида қурилаётган 40 минг рақамли

даёқ зарур қурилмалар ва жиҳозлар келтирила бошланди. Қурилиш кизгин суръатда олиб борилаётгани туфайли шу кунларда маъмурий-маиший бино ва битта ишлаб чиқариш биноси топширишга тайёрланмоқда. Қурилиш ишларини 167-трест

## АЛОҚА ЗАВОДИ ҚУРИЛМОҚДА

АТСда эса амалий монтаж ишлари якунланди. Ўта замонавий ҳисобланган бу АТСлар учун зарур бўлган қурилма ва аслаҳалар Сеулда ишлаб чиқарилган бўлиб, корейлик тadbirkорлар ердамида Ўзбекистонга келтирилган ва ишлатишга ҳозирланмоқда.

Мамлакатимиз алоқа тadbirkорлари орасида ишонч қозонган «ДЭУ-Телеком» фирмаси билан ҳамкорлик қилиш давом этади, албатта. Миллий дастурга кўра, 2010 йилгача Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш бўйича улкан ишлар режалаштирилган. Чунончи, 1996 йилнинг ўзида 300 минг рақамга мўлжалланган янги рақамли АТСлар ишга туширилиши зарур.

Ўзаро ҳамкорлик натижасида «ДЭУ-Телеком»нинг Андижон ва Бухоро вилоятида янги АТСлар қуриш тўғрисидаги таклифи ҳам қабул қилинди. Яқинда Тошкент вилоятида 45 минг рақамга мўлжалланган АТС мажмуасини қуриш тўғрисида битим имзоланди. Бу лойиҳалар Ўзбекистон алоқачилари томонидан корейлик мутахассислар иштирокида ва Жанубий Корея Республикаси техника материаллари ва қурилмалари асосида амалга оширилади.

Замон электрон телефон станциялари учун ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини тақозо қилади. Тўғри, дунёнинг ривожланган баъзи мамлакатларида ҳам ўзининг ишлаб чиқариш базаси йўқ, асосий алоқа техникаси четдан сотиб олинади. Лекин Алоқа вазирлиги республика ҳукуматининг руҳсати билан Урганчда замонавий телефон станциялар ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қуришга қарор қилди. Ушбу лойиҳада қатнашиш учун кўпгина ҳамкорлардан таклифлар тушди. Манфаадорлик жиҳатидан қўлай бўлгани учун улар орасидан фақат «ДЭУ-Телеком» танлаб олинди ва заводга 1995 йил-

ишчилари амалга оширмоқда. Албатта, бу ишларни бажариш осонликча бўлаётгани йўқ. Биргина мисол — технологик қурилмаларни жойлаштириш учун олдинги лойиҳага баъзи бир ўзгаришлар киритилди, бунинг оқибатида юзага келган кўп-кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди.

Шундай қилиб, республика Мустақиллигининг 5 йиллиги кунларида Ўзбекистонда ҳам замонавий АТСларни ишлаб чиқариш бошланди. Дастлабки ярим йиллик давомида завод 50 минг линияли АТС ишлаб чиқаради. Кейинчалик эса ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортади. Тайёрланган маҳсулотнинг 70 фоизи республика камиз эҳтиёжлари учун сарфланади. Бир вақтнинг ўзида завод учун керакли ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳал қилинмоқда. Дастлабки танловда 400 номзоддан 20 киши танлаб олинди. Заводнинг бир меъёрида ишларини таъминлаш учун 250 мутахассис керак. Танловдан муваффақиятли ўтганлар учун Тошкент Электротехника алоқа институтида «ДЭУ-Телеком» билан ҳамкорликда ойлик ўқув маҳсулотлари ўтказилди. Улар ўқишни Сеулда давом эттиришади.

Мамлакатимизда энг замонавий алоқа воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўпгина юмушлар ҳали олдинда. Ишлаб чиқарилажак мураккаб ва самарали техникавий воситаларни чет элларга ҳам экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз замонавий телекоммуникация воситаларини ишлаб чиқаришга қодир бўлган санокли мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Бу эса келажак ҳаёtimиз учун муҳимдир.

А. КУДИНОВ

## КЕЛИШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

— Хузурингизга бир таклиф билан келдим, — деди Косон туманидаги Шербек алоқа бўлимининг бошлиғи Абдухамид Рашидов туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Махмуд Ҳақбердиевга.

— Хўш, қандай таклиф экан?

— Узингиз яхши биласиз, Шербек алоқа бўлимидан 686 киши нафақа олади. Уларнинг кўпчилиги кам таъминланган оила сифатида Бўлмас Фуқаролар йиғинидан, баъзилар Улугбек номи жамоа ҳўжалигидан ҳам ёрдам пули олишади. Ана шундай ёрдам пули олувчилар фуқаролар йиғини ва ҳўжаликка нафақа миқдорлари ҳақида туман ижтимоий таъминот бўлимидан маълумотнома келтириб топширишлари шарт. Бундан ташқари, газ, электр қуввати ва бошқа шу каби манбалардан имтиёзли фойдаланувчилардан ҳам нафақаси ҳақида маълумотнома талаб қилинади. Хуллас, ҳар бир нафақачи ана шундай маълумотномаларни олиш учун ҳам йилга тўрт-беш марта туман марказига бориб-келишларига тўғри келади. Бизнинг Улугбек номи жамоа ҳўжалиги ҳудудида яшовчилар туманга бориш учун аввал ўн

беш сўм тўлаб Қаршига, кейин йигирма икки сўм билан Косон автобус шоҳ бекатига ва ниҳоят, тўрт сўм тўлаб, учинчи автобусда Косон марказига етиб олишади. Қисқаси, туманга бир бориб келиш учун бир кун вақт ва биргина йўл пулининг ўзига саксон икки сўм сарфланади. Шуниси ҳам борки, бир боришнинг ўзига юмушларини бажаришиб қайтишса яхши, акс ҳолда, бу ҳолни яна такрорлашга тўғри келади.

— Мақсад шунки, — дея гапини давом эттирди Абдухамид Рашидов, — бир кунга яқин нафақачи алоқа бўлимига йиғилишиб, биз туман ижтимоий таъминот бўлимидан олиб келадиган маълумотномани шу ерда — почтанинг ўзидан берилса бўлмайми, ахир бизга нафақачи ўзларинг берасизлар, нега битта маълумотнома эзиб беролмайсизлар, шунинг учун Косонга қатнашимиз шартми, деб қилишди. Қарияларнинг бу фикри менга маъқул тушди. Шу ҳақда сиз билан маслаҳатлашиш учун келгандим.

— Нафақачиларингиз яхши ташаббусни кўтариб қиқшиб-

ди, — деди Махмуд Ҳақбердиев. — Агар бу тadbирни жорий этиб, амалда қўллашни таъминласак, зўр иш бўлади. Биринчидан, тумандаги 16358 нафақачи ҳозирги бозор муносабати чоғида ортиқча сарф-харажатлардан, қолаверса, йўл азоби ва сарсонликлардан ҳам қўтилишади. Керак пайтда маълумотномаларни почтачилар нафақачиларнинг уйларига етказиб беришса уларга қўлай бўлади-ку. Одамларнинг жойларга пул, юбортма жунатишлари, хат жилдлари-ю табрикномаларни харид қилишлари ҳам кескин қайтаганиги идорамиз иқтисодига анча пуртур етказди. Аслида биз ҳозир ҳам ўттиз фоиз рентабеллик билан ишлашимиз керак. Бу дегани, ҳар бир манбадан ўттиз фоиз даромад кўришимиз лозим. Бозор муносабати — рақобат, тadbиркорлик демандир. Маълумотнома тарқатишни ўз зиммамизга оладиган бўлсак, нархини ҳам ижтимоий таъминот бўлимидагидан арзон қилиб белгилаймиз. Ҳам идорамиз манфаатдор бўлиб фойда кўрсин, ҳам нафақачиларга қўлай бўлсин. Бу тadbирни

амалга оширсак, яна шу нафақачиларнинг ўзлари манфаатдор бўлишади. Чунки маълумотномадан ҳисобимизга тушадиган пулни зарур пайтда уларнинг ўзларига нафақа қилиб тарқатиб турсак янада яхши бўлади.

Шундай қилиб, нафақачилар ташаббуси маъқулланди, маълумотномаларни почтадан бериш йўлга қўйилди.

Кўп нусхада маълумотномалар тайёрлашиб, битта маълумотноманинг нархи 10 сўм қилиб белгиланди. Тез орада Шербек, Обидийда, Губалак, Пулоти, Олачабоб алоқа бўлимидаги маълумотномалар эшига киришилди ва бир зумда шу ҳисобдан туман почта алоқа боғламаси ҳисобига уч минг сўм пул ҳам тушди.

Афсуски, туман почта алоқа боғламасининг куюнчак раҳбари Махмуд Ҳақбердиевнинг бу эзгу ҳаракатига туман ижтимоий таъминот бўлимининг мутасаддилари монелик кўрсатди.

Биз туман почта алоқа боғламаси бошлигининг муовини Дониёр Райимов ҳамроҳлигида Шербек, Обидийда, Олача-

боб ва яна бир қатор алоқа бўлимида бўлиб, алоқа бўлимидаги бошлиқлари, почтачилар, нафақачилар ҳамда кишлоқларнинг оксоколлари, фаоллар билан мулоқотда бўлдик. Юзлаб кишилар Махмуд Ҳақбердиев бошлаган хайри ишни маъқуллашиб, ҳатто ўз фикрларини қоғозга ҳам тушириб беришди, қўлайликдан бениҳоя мамнунликларини қайта-қайта таъкидлашиб, бу иш доимий давом эттирилишини илтимос қилишди.

Дарҳақиқат, туман ҳудудидаги 16358 нафақачи бир ва рақ қоғоз учун Косонга қатнаб, азият чекиши шарт эмас.

Бу масалада таллашиб-тортишишга ҳожат йўқ. Хайри ишни почта ўз зиммасига олгани билан ижтимоий таъминот бўлими ҳеч нарса йўқотмайди.

Ақсинча, саваб ишга шерик бўлади. Таллашганга тор дунё, келишганга кенг дунё, дея бежиз айтилмаган.

Нормамат ТОҒА,

Ўзбекистон журналистлар уюмисининг аъзоси,  
Қашқадарё вилоти



Бекобод шаҳар электралоқа боғламасида мантўрлар бригадасига етакчилик қилаётган Мадамин Абдурахмонов касбига садоқат, самарали меҳнати билан обрў-эътибор қозонган алоқачилардан.

Солиҳ ЗОИР олган сурат

### \* Алоқа матбуот кўзгусида ЗЎРАВОНЛИК КЕТМАЙДИ

Голливуд томонидан ишлаб чиқарилган фильмлар томошабинларга, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида кўпдан буён гапирилади. Аммо гап гапигича қолиб келар, экрандан эса зўравонлик, шаҳвоний жазавалар намойиши давом этаверарди.

Ниҳоят, қонунчилар бу борада жиддийроқ чора кўриш лозимлигини тушунишди. Бунинг учун экрандаги кўрсатувларнинг ҳаётга таъсири ҳақида баҳсларга чек қўйиш лозим эди. Тўртта университет ва кабель телевидение-си компаниялари ўтказган тадқиқот натижаси шундай бўлди: «Телекўрсатувлардаги зўравонликлар билан одамлар ҳулқидаги салбий кўринишлар ўртасида бевосита алоқа бор!»

Мана энди телекоммуникация ҳақидаги кенг қўламли қонунни конгресс қабул қилди, президент Клинтон унга имзо чеқди. Телевизор ишлаб чиқарувчиларга икки йил мобайнида болалар тарбиясига салбий таъсир қиладиган дастурларга автоматик равишда чек қўядиган мослама-ускунани жорий этиш вазифаси топширилди. 23 каналда 20 ҳафта давом этган юқоридаги тадқиқотдан маълум бўлишича, 2700 дастурнинг 57 фоизиди зўравонлик аққол бўртиб кўринган. Энди бундай ҳолларга қатъий гов қўйилади.

«Алоқанвест» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг навбатдаги мажлисида 1995 йилги иш якунлари ва акционерларнинг 29 март куни бўладиган конференциясига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

### ИСЛОҲОТЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

«Алоқанвест» ҳиссадорлик жамиятининг раиси А. Т. Тоғайалиев ўз маърузасида 1995 йилда қурилиш ишлаб чиқаришининг ҳажми 97,4 фоизга, алоқа қувватларини ишга тушириш эса 104,7 фоизга етганини таъкидлади.

Шу билан бирга қурилиш соҳасида ҳамон эскича усулда ишлаётганлар борлиги айтиб ўтилди. Масалан, 1995 йилни Сурхондарё МКК (бошлиғи М. Муҳамдиев) 1,78 фоиз, Қорақалпоғистон МКК (бошлиғи Н. Матчонов) 7,25 фоиз рентабеллик кўрсаткич билан якунлади.

Мажлисида 1995 йилги иш якунлари бўйича дивидендлар белгиланган, ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши, захира ва бошқа жамғармаларни тузиш каби масалалар ҳам кўрилди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис жамият Устави ва унинг бошқаруви тўғрисидаги Низомига зарур ўзгаришлар киритиш бўлажак конференция ваколатида эканлиги ҳам қайд қилинди.

М. СМОЛЕНЦЕВ,  
«Алоқанвест» ҳиссадорлик жамияти раиси ёрдамчиси

ТУЗАТИШ  
Газетамизнинг ўтган 12 - сонига айрим сабабларга кўра 2-3 бетлардаги фотосуратларнинг ўрни алмашиб кетганлиги учун муштарийлардан узр сўраймиз.

## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази томонидан Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қўшувқли ҳайвонларга бағишланган почта маркалари нашр қилинди.

Экология, ҳайвонот ва ўсимлик олами мавзусига бағишлаб чоп этилган бу почта мар-



калари туркуми Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами хилма-хиллигидан дарак беради. Худудимиздаги қир-адирларда, тоғли жойларда ёввойи ҳайвонлар неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Бундан бир неча йиллар аввал тоғ ёнбағирларида сайгоқ, жайрон, мархўр, архар ва бошқа хил ҳайвонларни учратиш мумкин эди. Лекин бу турдаги кўп жонзотларга айрим нобакор овчилар томонидан қирон келтирилди. Ҳозир бу жонзотларни сақлаб қолиш учун қўриқхоналар ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ана шу қўриқхоналарда яшамоқда.

Қўшувқли ҳайвонларга бағишланган бу почта маркаларида архар, сайгоқ, хонгул, бухоро ва устюрт қўйлари, сибирь тоғ эчкиси ва жайрон тасвири туширилган.

Республика Электромагнит мослашув маркази жамоаси Сирдарё вилоят Давлат электралоқа назорати бошлиғи Илҳом Хўжаниёзовга отаси Аҳмад Хўжаниёзовнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Афанди, бир кунни ўглининг қўлига кўза бериб, сувга юбораркан, юзига бир шалпоқ урибди. Хотини нега болани урасиз деса, мабодо кўзани синдириб қўйса, кейин уршини фойдаси йўқ, дебди.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишнинг ўз вақти-соатида бўлгани яхши. Акс ҳолда тўйдан кейин хина ярашмайди. Ҳаётда ҳам Афандининг ишини

ҳолда чиқиб турибди-ку!..

Адолат юзасидан эслатиш жоизки, «Хабар»нинг лотинча номи бир вақтлар, яъни Т. Акбаров «Хабар» да мусахҳиҳ бўлиб ишлаган даврда «НАВАР» шаклида ҳам чоп этилган. Аммо бу хатолик аллақачон тузатишган, орадан қанча ойлар, кунлар ўтиб кетган-ку! Уша хатони ҳозир содир бўлаётгандай қилиб кўрсатишдан муддао нима? Қолаверса, лотин

роғ салом бериш баҳонасида масаланинг моҳиятини дурустроқ ўрганиб, сўнг танқидга фатво берганида бу қадар қовун туширмаган бўлармиди?..

Бошқаларни саводсизликда айблаб ёзилган мақолада имло хатолар, ноўрин ишлатилган сўзлар, тўмтоқ, таҳриралаб жумлалар талайгина. «Лотин сўзи гоҳ «лотин», гоҳ «латин» шаклида ёзилверади. Такрор-такрор «латин

## ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

қиладиганлар учраб тураркан. «Шалпақ»-сига «Куч — адолатда» деган муқаддас сўзлар ёзилган «Ватан» газетасининг шу йил 20-27 март, 3-сонида «Девонакалтак» (!) рўқнида босилган «Яна янги НАВАР» деган нордонгина лўқмада ўқиймиз:

«Хабар» газетасининг «Хабар» (НАВАР) деган номи ҳам борлиги сизни ҳайратга солмаганими? Кимлардир «ха» деди, шекилли?.. Э, баракалла! Дастлаб мен ҳам сизга ўқушаб ҳайро-о-он бўлдим... Ё мусахҳиҳ хато ўтказиб юбордимкин? Ўй-э, нималар дейяпкан йўзи. Газетанинг «Шалпақ»-сига мусахҳиҳининг нима алоқаси бор? Бошқа бирон тилда шунақа бўлса керак-да...»

Ё алҳазар! Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан ўзинг асра! Ахир газетанинг лотин ёзувидаги номи «НАВАР» эмас, «ХАВАР» шаклида — тўғри ёзилган

ёзувига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликлар, айрим ҳарфларнинг ўзгартирилиши каби мураккабликлар инobatга олинса, янги ёзувда жузъий хатоликларга йўл қўйилиши табиий жараёндир.

Сув кўрмай этик ечма, дейдилар. «Хабар»дан хабардор бўлмай туриб «демонакалтак»ни қўлга олган шошқалоқ ҳамкасблар Наврўз байрами ва газетамиз ташкил этилганининг тўрт йиллиги куниде бизга шундай гаройиб «туҳфа» ҳозирлабдилар. Уззукун бемаврид ва ноҳақ танқиддан ранжиган мухлис-муштарийларнинг сўровларига жавоб бериш билан овора бўлдик.

«Ватан» газетасидаги «Муҳаррирнома» рўқни аналган маънога қаноат қилмай, ушбу рўқни оқсидеги мақолага тортинмай ўз номини ҳам ёзиб кўрдиган сергайрат, камтар журналист, «Хабар»нинг собиқ мусахҳиҳи Турсунали Акбаров кўп кунлар туз ичган жойига би-

алфавити» дейиш ўрнига Давлат тилида «лотин ёзуви» дейилгани маъқулроқ эди, албатта. Мана бундай жумлалар эса энсани котиради: «Бу деймани лотин алфавитида (??) сал ўйлаб кўрмасак бўлмайдиганга ўхшайди», «Шу ёзувни ёздирмасдан олдин... ёзиб бериб юборсангиз...» (таъкидлар бизники) ва х. з. о.

Ажабо, боёқиш муаллиф мақоласини ёзаётганда қайси алфавитда (?) ўйлаган экан? Буниси бизга қоронғу, аммо газетанинг «Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ» деб ўйлаши аниқ!

Модомики «Девонакалтак»нинг схирида «Чет тилини биладиганлардан илтимос, «НАВАР» сўзи қайси тилдан олинганлигини бизга ёзиб юборсангиз» (ўринсиз, асоссиз киноя ўзларига сийлов!) дейилган экан, ушбу жавобни ёзиш лозим топилди.

Шодмон ОТАБЕК

### \* Ажаб дунё

## ГЁТЕ ҲАМ ТУРК ЭКАН

Улуғ рус шоири Василий Андреевич Жуковский (1783—1852) ва даҳо немис шоири Йоганн Вольфганг Гётенинг (1749—1832) таржимаи ҳолида жуда кўп муштараклик бор.

Жиддий изланишлардан сўнг маълум бўлишича, Гёте онасининг шажараси салжукий туркларга бориб тақалар экан. Яна ҳам аниқроқ айтилса, бу шажара Усмон империясига учта ҳукмдор етиштириб берган, тарихда Салимлар султонлиги номи билан қолган авлодга дахлдордир.

Икки немис тадқиқотчиси бир-бирдан беҳабар ҳолда

Гётенинг келиб чиқиши турк қаъмига мансуб деган хулосага келишган. Бу дадил фаразни машҳур немис ёзувчиси Бернд Энгельман ҳам ўз китобида тасдиқлайди.

Юқоридеги мулоҳазаларга асосланиб Стамбулда чиқадиган «Миллиёт» газетаси «Гёте — турк» деган шов-шувли мақолани чоп этди.

Ҳўш, энди бу гапларга Жуковскийнинг нима дахли бор дерсиз?

Россияда чиқадиган кўплаб адабий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Жуковскийнинг онаси Салха исмли турк аёли бўлган. У 1770 йили 16 ёшида

Бендера қалъасини ишғол қилишда асир олинган ва бир қрепостной навкар томонидан Жуковскийнинг отаси — Афанасий Иванович Бунинага «совға» қилинган. Салхадан туғилган уч қиз эрта ўлиб кетади, 1783 йилда ўғил туғилади ва у Бунилар оиласига ўғил қилиб олинади. Бола Буниннинг қонуний хотини — Мария Григорьевнани она сифатида тан олади. Болага отасининг эмас, чўқинтирган киши — Андрей Жуковскийнинг фамилияси берилди.

Азрўйи азалдан гурури баланд бўлган қавмдошларимиз Гёте ва Жуковскийларни фахр билан турк дейишлари мумкин.

Шодмон ОТАБЕК

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

— Айтчи, огаини, агар одам 1946 йилда туғилган бўлса, ҳозир неча ёшга кирган бўлади?

— У эрак бўлсам ёки аёл?

Кинода ўтирган эрак ёнидаги ёш жувон билан кучоқлашиб, беибо ҳаракатлар қилиб томошабинларнинг гашига тегишди. Орқа қатордан кимдир танбех берди:

— Шу ишни уйда қилсанлар бўлмайдингиз?

— Жудаям хоҳлардик, аммо уйда хотин бор-да!

Кавказ шаҳридаги оромгоҳлардан бирида байрам бўлаётганди. Рақс тушаётган йигит-қиз олдида бир киши келиб, гап қотди:

— Йигитча, гўзалинг билан рақс тушсам бўладими?

— Йўқ.

— Маликанг билан...

— Йўқ.

Қиз норози бўлиб жавоб қилди:

— Нега сиз ундан сўраясиз? Иختиёр ўзинда.

— Эракларнинг ишига сен аралашма, дўндик!

— Ҳеч қачон автобуснинг, хотиннинг ва моданинг орқасидан қувма.

— Нима учун?

— Чунки уларнинг ортидан доимо янглари пайдо бўлаверади.

Ёш йигит биринчи марта севган қизини уйига таклиф этди. Жудаям хаяжонланди. Ойиси ширин пишириқлар тайёрлади. Отаси ҳам қараб турмади. Ниҳоят, қиз кичик бир туғунча кўтариб қолди.

— Эрталаб ишга кеч қолмайин деб, кўнғироқли соатини ола келдим.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул  
ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин  
ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Саид СИДДИҚОВ  
Нурали ҚОБУЛ

## \* Бу қизик РАНГЛАР СЕҲРИ

Ҳиндистонда рангларга алоҳида эътибор билан қарашади. Ҳатто у ерда худоларнинг ҳам ўз ранглари бор. Масалан, Шива худоси — оқ, Брахма — қизил, Вишну худоси эса мовий рангда. Аёлларнинг кийим-кечагида ҳам ранг муҳим ўрин тутаети. Ҳинд аёллари турмушга чиққан дастлабки кезлари қизил кийим кийишади, чунки бу ранг севиғи ва садоқат рамзи. Заъфарон ранг уйғонши ва ҳаёт тантанасини акс эттиради. Бу баҳор ва манго даррахтининг илк чечаклари билан боғлиқ. Долчинранг ва қора ранглар эса мотам белгисидир.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъуллик муаллифлар зиммасидадир. Ҳўзасида олини №109911. Буғуртма №1-0165. 13017 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бечими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, I

КУЛГИ КУНИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.30 «Хафтаном». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Кулги Базми». Мусикий кўрсатув.

10.00 Янгиликлар. 10.05 «Кишк-Мишк ва масхарабоз амаки».

10.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 11.35 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. I-серия.

12.05 «Насриддин Бухорода». Бадий фильм («Ўзбекфильм»).

13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокмпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

Публицистик кўрсатувлар дастури: 18.10 I. «Хумо»: «Кўёш юрти».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.05 Ўзлонлар. 21.00 III. «Хумо»: «Мувозанат». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.

22.25 Халқаро кулги кунига. «Хавтнинг ўзи қизик». Дам олиш дастури.

23.30 «Ахборот». 23.55 — 01.20 «Ухшаш чехлар». Телешоу.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультифейерверк».

18.40 «Палитра». 19.05 ТВ II намойиш этади: 19.15 «Постфактум».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 20.05 «Курьер». 20.15 «...яна об-хаво ҳақида».

20.20 «Мусика, холос». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 ТВ II намойиш этади. 21.10 Оханглар ва Ўзлонлар.

21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 22.40 — 23.40 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Тусуа кесу». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 18.20—20.40

20.40 «Тунги хазина». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00 — 23.30 «Вести».

23.30 Ўзлонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 «Мультикарusel».

18.55 Ўзлонлар. 19.00 «Бу бустон аро...».

19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.00 «Санта-Барбара».

20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Видеогла». 21.20 Оханглар ва Ўзлонлар.

22.00 «Киноингоҳ». 23.40 — 00.20 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Тошкент». «Тошкент фаворалари».

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20 — 20.40 20.40 «Джазда фақат қизлар». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Ўзлонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 «Мультикарusel».

18.55 Ўзлонлар. 19.00 «Бу бустон аро...».

19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.00 «Санта-Барбара».

20.50 «Уорлдвет» телекомпаниясининг янгиликлар. 21.10 «Каталог».

21.20 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи. 22.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

22.30 Ўзлонлар. 22.35—24.00 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Қизилқарни урашувлари». Республикада хизмат кўрсатган юрист Халима Муҳитдинова билан урашув.

9.10 «Ўзбектеlevision» кўрсатади: «Нодир хазина». Телефильм. 9.20 «Ватанпарвар».

Шикоятли ёшлар. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Довлимиздаги стадион».

Спорт кўрсатувлари: 10.30 Табиёт. 11.00 Алифбо сабоқлари.

11.30 Зоология. 12.00 Дутор ва таңбур тароналари.

12.35 «Ухшаш чехлар». Телешоу. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Умид учкунлари».

Тележурнал. 18.40 Спорт хабарномаси. 18.55 Ислохот ва масулият. «Иланишлар қанотида».

Публицистик кўрсатув. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 Оқшом эртанлари. 20.10 «Иқтисодийёт чорраҳаларида».

Тележурнал. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 Ўзбекистон телевидениесиде виолет студияларининг кўрсатувлари.

Экранда — Наманган вилояти. 21.40 «Мехрим билан яшайман Ватан».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муассар Раazzoқова. 22.10 «Шаҳар бедарвоза эмас...».

Публицистик кўрсатув. 22.50 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла. 23.25 Ўзлонлар.

23.30 «Ахборот». 23.55 — 00.20 Лирик концерт.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультифейерверк».

18.30 ТВ II намойиш этади. 18.40 «Кулгига нима етсини».

19.05 «Хусуийлаштириш: қадам-бақаддам». 19.25 Ўзлонлар.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муассар Раazzoқова. 9.10 «Иқтисодийёт чорраҳаларида».

Тележурнал. 9.25 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла. 10.00 Янгиликлар.

10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари». Укув машғулотлари:

10.30 Шифокор эртани. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Умумий биология.

12.00 «Бешинчи дово». Видеоканал. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ушшоир»: Чуст тумани ёшлари

8-сини. 18.40 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевидион клуби.

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар. 19.55 Оқшом эртанлари. 20.10 «Олма-юз».

Тарих фанлари номаоиди Амриддин Бердимуродов билан мулоқот. 20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Анъаналар этади давом...».

Мусикий кўрсатув. 21.55 «Саҳна ҳаёти». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромова.

22.55 «Алтоғсалон». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот».

23.55 «00.20 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Уғил, набира, звара».

«Кўёшли ую». Телефильмлар. Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Фирибгарлар найранги». Бадий фильм.

20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Ахборот» (рус тилида).

21.10 «Ушшоир». Тележурнал. 21.55 Оханглар ва Ўзлонлар.

22.00 «Киноингоҳ». 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 «Мультикарusel».

18.55 Ўзлонлар. 19.00 «Уй остондан бошланади».

19.30 «Ийтирқот этувилари». Кинорежиссёр З. Давидов билан урашув.

20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

21.30 «Компьютер-рево». 21.55 Ўзлонлар. 22.00 «Эллада».

22.40 — 23.10 «Фармон ва ижро». Мулк давлат химосида. Телемулоқот.

ЖУМА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромов.

9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал. 10.00 Янгиликлар.

10.05 «Рахсар гулдастаси». Укув машғулотлари:

11.00 Немис тили. 11.30 Математика. 12.00 Дикҳат, премьер: «Мангуликка дахлдор».

Телефильм («Ўзбектеlevision»). 12.20 «Зебо». Қизлар тележурнали. 12.50 «Браслет-2». Бадий фильм.

14.00 — 14.05 Янгиликлар. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Заман билан ҳамнафас». «Тадбиркорлар таянчи». 18.40 Футбол шарҳи.

23.30 «Ахборот». 23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Эрталар оламига саҳнат».

18.35 «Муаллиф». 18.45 «Ривоят». 18.55 «Офарин».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар.

21.00 «Уртага» — шанба. 21.15 «Мафтуноқ чехларлар».

21.40 «Таманно». 21.50 Оханглар ва Ўзлонлар. 22.30 — 23.20 «Санта-Барбара».

Телевизион бадий фильм. 17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар.

18.00 «Давон». Телефильм. Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Ҳақиқат билан тўқнашув». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Ўзлонлар. 23.35—23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 «Мультикарusel».

18.55 Ўзлонлар. 19.00 «Хотира». Органчи Д. Валалатазода

иходи ҳақида. 19.05 «Экология ва ҳаёт». 20.00 «Билиб қўйган яшаш».

20.25 «Рангинком» (тожик тилида). 21.05 «Ўтмишчи келажақ йўқи».

21.35 «Бизнес-академия». 22.00 Ўзлонлар. 22.05 «Муслиқ мехмонхона».

22.45 — 23.15 «Қашғирлар ва ихтиролар». ШАНБА, 6

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Оталар оғзи — ақлинг қўзи».

9.45 «Халқ иходиёти». 10.15 «Кичикнинг» устахонаси.

10.45 «Аёл борки, олам мунавар...».

Публицистик кўрсатув. 11.25 Болалар учун. «LEGO» сайераси.

11.50 «Тулғури зар Ватаним менинг». Қашқадар геология-қидирув экспедицияси иш фаолиятига бағишланади.

12.25 «Тараннум». Мусикий дастур. 12.55 «Саёҳатлар эртани». Бадий фильм.

14.35 — 15.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Куучка ва эски шилпақ». Мультифильм. 18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».

18.50 Спорт хабарномаси. 19.05 Дикҳат, премьер: «Хангома».

13.30 — 13.10 «Умид» (уйғур тилида). 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур.

19.00 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».

19.20 «Дунё ва болалар». 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Санта-Барбара».

Телевизион бадий фильм. 20.50 «Телеташриқ».

21.05 «Еуропинг Европа». 21.25 «Олам ва одам».

22.00 «Ташрифлар ва таклифлар». 22.30 Ўзлонлар. 22.35 «Саҳий жонадон».

23.15 — 23.35 «Бу ажиб дунё».

ЯҚШАНБА, 7

КОНЧИЛАР КУНИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».

11.45 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия.

12.15 «Ташриф». Дам олиш дастури. 13.05 «Тараққуётчи таянчлари».

Муслиқ чилар куни бағишланган кўрсатув ва концерт. 13.15 «Дикҳат, премьер: Юсуф Розиков».

«Домла». Кўп қисмли видеофильм. 4-серия. 21.35 «Барҳад наволар».

Ҳожиҳон Болтаев. 18.00 Эрталар — яшиллик етаклар «Одиграб».

18.35 «Синд-саломатлик». Тележурнал. 19.05 «Ойнаи жаҳида».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Ўзбек адабиёти — жаҳон қўзғусидан».

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном».

21.00 Ўзлонлар. 21.15 Дикҳат, премьер: Юсуф Розиков. «Домла».

Кўп қисмли видеофильм. 4-серия. 21.35 «Барҳад наволар».

Ҳожиҳон Болтаев. 18.00 Эрталар — яшиллик етаклар «Одиграб».

18.35 «Синд-саломатлик». Тележурнал. 19.05 «Ойнаи жаҳида».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Ўзбек адабиёти — жаҳон қўзғусидан».

20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном».

21.00 Ўзлонлар. 21.15 Дикҳат, премьер: Юсуф Розиков. «Домла».

Кўп қисмли видеофильм. 4-серия. 21.35 «Барҳад наволар».

Ҳожиҳон Болтаев. 18.00 Эрталар — яшиллик етаклар «Одиграб».

18.35 «Синд-саломатлик». Тележурнал. 19.05 «Ойнаи жаҳида».

19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида).